

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЕР РЕСУРСЛАРИ
ГЕОДЕЗИЯ, КАДАСТР ВА ДАВЛАТ КАДАСТР
КОМИТЕТИ**

**ЕРЛАРДАН ОҚИЛОНА ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШЛАРИ
ЮЗАСИДАН ДОИМИЙ РАВИШДА ЎТКАЗИЛГАН
МОНИТОРИНГЛАР НАТИЖАЛАРИ**

Ерлардан оқилона ва самарали фойдаланишлари юзасидан доимий равишда ўтказилган мониторинглар натижасида жойларда кўнлаб ер қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган

2016 йилда «Давергеодезкадастр» қўмитаси томонидан ўтказилган текширишлар натижасида **342 та** хўжалик юритувчи субъект раҳбарлари томонидан **66,0 минг гектар** ер майдонида ер қонунбузилиш ҳолатларини содир этганликлари аниқланган.

Натижада, ер қонун бузилиш ҳолатларини содир этган **289 нафар субъект** раҳбарларига нисбатан, Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси”нинг тегишли моддаларига биноан маъмурий чоралар кўрилган ва Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 85-моддасига кўра, ер қонун бузилиш ҳолатларини келтириб чиқарган субъект раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар берилди.

Ердан оқилона ва самарали фойдаланишлари юзасидан доимий равишда ўтказилган мониторинглар натижасида жойларда кўнлаб ер қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган

Юқорида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари таҳлил қилинганда:

66 та (19%) ҳолатда ердан фойдаланувчилар томонидан маълумотларни ҳисоботдан яширганлик ёки нотўғри кўрсатганлик,

155 та (45%) ҳолатда ердан фойдаланувчилар томонидан хўжалик ички ер тузиш лойиҳаларидан чекинишлик,

88 та (26%) ҳолатда ердан фойдаланувчилар томонидан ердан хўжасизларча ёки самарасиз фойдаланганлик ҳолатлари,


33 та (10%) ҳолатда ердан фойдаланувчилар томонидан бошқа қонун бузилиш ҳолатларини ташкил этган.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган Ер мониторинги юритиш, ер қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва олдини олиш бўйича Тартиб (тизими)” асосида жойларда олиб борилган мониторинглар натижасида Республика бўйича 2016 йил давомида 5579 та ҳолатда 12 минг гектар майдонда турли ер қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган.


Жумладан, 1986 та ҳолатда 1351 гектар ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, 372 та ҳолатда 1156 гектар майдонга тегишли органларнинг рухсатсиз кўп йиллик дарахтлар экиб олиш, 117 та ҳолатда 340 гектар майдонда тупроқ таркибининг ўзгаришига олиб келувчи ҳаракатлар содир этганлик, 3080 та ҳолатда эса 9088 гектар майдондан белгилангандан бошқа мақсадларда фойдаланиш ҳолатлари ва 24 та ҳолатда 71 гектар ер майдонида бошқа ер қонун бузилиш ҳолатлари аниқланган.

Натижада, прокуратура органлари томонидан 31 та ҳолатда 65,4 гектар ер майдонини қайтариб олиш бўйича протест киритилиб, 162 та ҳолатда 1231 гектар майдонда аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари бўйича жиноий иш қўзғатилган, 99 та ердан фойдаланувчи маъмурий жаримага тортилди.

**Қўмита тизимидаги давлат ер назоратчилари томонидан аниқланган ер
конун бузилиш ҳолатлари**



Янгийул туманидаги “Тинчлик гавхари” фермер хўжалиги, ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдонидан фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун эгаллаб олинган ер майдони тасвири.




**Ўзбошимчалик
билан эгалланган
ер майдони**



*“Садир Муҳиддин” ф/х да
фуқаролар томонидан
якка тартибда уй-жой
қуриш учун эгаллаб
олинган ер майдони*




Агабек саховати" фермер хўжаликларида ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилган ер майдонидан фуқаролар томонидан яқка тартибда уй-жой қуриш учун эгаллаб олинган ер майдонининг тасвири



Бино –иншоатлар ва
томорқа ер участкаси

Олтинсой туманидаги “Эсон” фермер хўжалигига ижарага фойдаланиш учун ажратиб берилган 1,2 гектар ер майдонидан 8 нафар фуқаролар томонидан якка тартибда уй-жой қуриш учун эгаллаб олиб фойдаланиб келаётган ер майдонининг тасвири.

Ажратилган ер майдони




Жаркўрғон туманидаги “Қорақурсоқ” маҳалласи ҳудудидан “Жаркўрғон сервис техникаси” МЧЖга автомобилларга сервис хизмат кўрсатиш ва сиқилган газ қуйиш шахобчаси қурилиши учун ажратиб берилган ер майдонининг тупроқ балл бонитети туширилган харитада кўриниши.


Шўрланган суғориладиган ер майдонлари



Суғориладиган ер майдони бўз ерга айланиб колган ҳолат



Суғориладиган ер майдони бўз ерга айланиб қолган ҳолат



Чигит билан бирга маккажухори қўшиб экилган



Режадаги пахта майдони ўрнига экилган полиз























Ўтказилган теширишлар натижасида аниқланган ер қонунбузилиш ҳолатларининг таҳлили



Гулистон тумани ҳокимининг 2012 йил 19 ноябр 1441-сонли қарори билан фуқаро К.Кўпайсиновга мебель ишлаб чиқариш учун 0,3 гектар **59 балли** суғориладиган экин ажратиб берилган, фуқаро Б.Ахмадқуловга шоли тегирмони қуриш учун 0,1 гектар **59 балли** суғориладиган экин ер майдони ажратиб берилган.



Оқолтин тумани ҳокимининг 2013 йил 20 феврал 463-сонли қарори билан “Йўл патрул хизмати” масканига 0,2 гектар **67 балли** алоҳида қимматга эга бўлган суғориладиган экин ерлар майдонлари белгиланган тартибда расмийлаштирилмаган ҳолда ажратиб берилган.



Бундай салбий ҳолатлар республикамизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам кўплаб учрамоқда ва унга қарши белгиланган тартибда тегишли чоралар кўрилмоқда.